

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**



**“ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ” ГА БАҒИШЛАНГАН
ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ЖАМИЯТИНИНГ АНЪАНАВИЙ 78-ИЛМИЙ
АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**28 май, 2021 йил
Тошкент, Ўзбекистон**

ўрганишга қаратилди.

Тадқиқотлар усуллари ва методлари. Бунда ўсимлик хом ашёсининг майдалик даражаси, экстрагент тури ва миқдори каби кўрсаткичлар ўрганилди. Мойчечак гулларидадан экстракт олиш мақсадида ўсимлик хом ашёси турли даражада (1,0-5,0 мм) майдаланди, экстрагент сифатида 20%, 40%, 70% концентрациядаги этил спирти ишлатилди. Экстракциялаш жараёни жўмрак билан таъминланган мацерацион идишда амалга оширилди. Ажратмалар лаборатория шароитида перколяция ва ВНИИФ усулларида олинди.

Олинган натижалар. Мойчечак суюқ экстракти олиш жараёнига мўътадил омиллар танлаб олинди. Бунда экстракт учун ўсимлик нинг оптимал майдалик даражаси 3 мм, экстрагент сифатида 70% этил спирти 1:1 нисбатда танлаб олинди. Экстракция жараёнига таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида суюқ экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Хулоса. Изланишлар натижасида бир неча усулларда олинган сон кўрсаткичлари қиёсий ўрганилганда шундай хулосага келиндики, Перколяция усулида олинган суюқ экстракт сон кўрсаткичлари бошқа усулларга нисбатан юқори натижалар берди. Суюқ экстракт - сарғиш кўнғир рангли, ўзига хос ҳид ва таъмга эга тиниқ суюқлик. Турли усулларда олинган сон кўрсаткичларидан қуруқ қолдиқ – 4,40 %, оғир металл тузлари 0,001 % ни ташкил этди. Экстрагент сифатида 70% ли этил спирти устун эканлиги тасдиқланди ҳамда энг мақсадга мувофиқ деб Перколяция усули танлаб олинди. Суюқ экстрактдаги этил спирти қуввати ҳайдаш усулида аниқланганда перколяция усулида олинганида 68,4 % ни ташкил этди. Олинган тажриба натижалари XI ДФ талабларига мос келди.

Адабиётлар

1. Государственная фармакопея Республики Узбекистан. Первое издание Том 1. г. Ташкент Республика Узбекистан
2. Димитрук С.Е. Лекарственная растения, сырьё и фитопрепараты Учебное пособие.-Томск.2007.-46 с.
3. Суярова С.Г., Файзуллаева Н.С., Юнусходжаева Н.А. Бавосил касаллигини даволаш учун мўлжалланган қуюқ экстракт технологияси ва хоссалари // Фармацевтика журнали.-Тошкент., 2016.- 67-71 б.

УРОЛОГИК ЙИҒМА АСОСИДА ТИНДИРМА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Ш.А.Холдорова, Н.Х.Ташпулатова.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

e-mail:tashpulatovanasibakhon@mail.ru

тел:+99897705-80-04

Илмий ишнинг долзарблиги. Фармацевтика соҳасида долзарб вазибалардан бири мамлакатимиздаги маҳаллий доривор ўсимлик хом

ашёларидан дори воситаларини кенг миқёсда ишлаб чиқишдир. Тиббиёт амалиётига татбиқ этилган, чет эл препаратларини ўрнини босувчи ўсимликлар қаторида бизнинг изланишимиз объекти бўлган - кийик ўти ер устки қисми (*Ziziphora Pedicellata Pazij et Vved*), тубулғибаргли бўймодарон ер устки қисми (*Achillea filipendulina L.*), чучукмия илдизи (*Glycyrrhiza glabra L.*) дан олинган урологик йиғмадан тиндирма технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб, унинг ечими тиббиёт амалиётида яллиғланишга қарши, буйрак тош касалликларида сийдик ҳайдовчи таъсирга эга бўлган маҳаллий дори воситаларини турини оширишга имкон беради.

Ишнинг мақсади. Урологик йиғмадан буйрак тош касалликларида яллиғланишга қарши ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга бўлган тиндирма технологиясини ишлаб чиниш илмий ишнинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Тадқиқот усуллари. Тиндирма олишда тиндирмани турғунлигини таъминловчи ажратувчиларни танлаб олиш жуда муҳимдир. Урологик йиғмадан тиндирма олиш технологиясини ишлаб чиқишда “Перколяция”, “ВНИИФ” усуллари қўлланилди [1]. Экстрагент сифатида турли қувватдаги 20%, 40 %, 70 % ли этил спиртидан фойдаланиб тиндирма технологияси ишлаб чиқилди.

Тиндирмани стандартлаш ДФ XI нашрига асосан ва соҳа стандарти TSt 42-01:2002 “Дори воситаларининг сифат стандартлари” асосий ҳолатларига таяниб олиб борилди [2].

Тадқиқот натижалар. Тиндирма – тўқ жигар рангли, ўзига хос ҳид ва таъмга эга бўлган тиниқ суюқлик. Экстрагент сифатида 70 % ли этил спирти устун эканлиги аниқланди ва унинг зичлиги $\rho=0,8791$ г, оғир металл тузлари 0,01% ни ташкил этди. Мақсадга мувофиқ деб, ВНИИФ усули танлаб олинди.

Хулоса: Урологик йиғмадан буйрак тош касалликларида яллиғланишга қарши ва сийдик ҳайдовчи таъсирга эга бўлган тиндирма технологиясини ишлаб чиқилди. Тиндирма ДФ XI нашри ва соҳа стандарти TSt 42- 01:2002 “Дори воситаларининг сифат стандартлари” асосий ҳолатларига асосланиб стандартланди: ташқи кўриниши, спирт зичлиги ва оғир металлари миқдори аниқланди.

Адабиётлар:

1. Шарипова И.Ш., Махмуджанова К.С.- Выбор оптимального метода получения настойки герани холмовой // Ўзбекистон Фармацевтик Хабарномаси 2013. №1. Б. 19-22
2. Стандарты качества лекарственных средств «Основные положения – TSt 42-01:2002»,- Ташкент, 2002 – 53 с.

ХОЛЕКАЛЬЦИФЕРОЛ СУБСТАНЦИЯСИНING ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

З.Н.Шавқиева., А.Б.Юнусходжаев., Ф.Х.Максудова